

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ТАШҚИ РАЗВЕДКА ХИЗМАТИ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 февраль куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Россия Ташқи разведка хизмати директори Сергей Наришкинни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, мамлакатларимизнинг замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги юксак даражада эканини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида экстремизм, терроризм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

С.Наришкин қабул учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик билдирди ва Президент Владимир Путиннинг эзгу тилаklarини etkazди.

Россия Ташқи разведка хизмати директори давлатларимиз хавфсизлигини таъминлаш борасидаги долзарб вазифаларни бажаришдаги ўзаро ҳамкорлик даражасини юқори баҳолади.

ЎзА

СТРАТЕГИЯ – БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ АСОСИ



2017-2021

Маълумки, ҳар бир келажакни фаровон, тинч кўришни хоҳлайдиган шахс, оила, жамият ўз истиқболини олдиндан режалаштиради, бунинг учун тегишли устуворликлар, мақсадлар, вазифаларни белгилаб олади. Ҳар қандай ўзини ҳурмат қилган давлат ҳам ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, фуқароларининг муносиб ҳаёт кечироларини таъминлашга интилиб, инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб ўз олдига муайян устувор йўналишларни, мақсад ва вазифаларни қўяди.

Шу маънода 2017 йил 7 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда ушбу Стратегияни “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури мамлакатимизни келгусида ривожлантиришнинг тарихий ва халқаро аҳамиятга молик дастуруламал ҳужжатдир.

Адабиётларда “стратегия” – барқарор ва мувозанатли ривожланишни таъминлашга йўналтирилган, ўз ичига ўрта ва узоқ муддатли устуворликлар, мақсадлар, вазифалар тизимини оловчи стратегик режалаштириш ҳужжати сифатида таърифланади.

Маъмур стратегиянинг Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан ишлаб чиқиши ва тасдиқланишида ҳам ўзига хос маъно мужассам. Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти фуқаролар томонидан сайланадиган олий мансабдор шахс сифатида сайловолди жараёнида келгуси фаолият дастури билан чиқади, фуқаролар билан учрашади, уларни муаммолари билан яқиндан танишади, муносабатларини кўриб чиқади ҳамда улардан келиб чиқиб, мамлакатни ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш, сиёсий, ижтимоий, маданий ва иқтисодий соҳаларга оид муаммоларни ҳал қилиш ва уларнинг истиқболини белгилашга йўналтирилган мақсадли режалар шакллантиради. Шу жиҳатдан Стратегияда айрим давлатлардан фарқли ўлароқ 5 йиллик оқилона ҳамда манتيқий муддат олингани ҳам бежиз эмаски, давлат бошлиғи айни шу муддатга сайланади.

Иккинчидан, бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциямизга мувофиқ давлат бошлиғи ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш функцияси-дан келиб чиқади. Ўтган йилларда шаклланган тажриба шуни тасдиқламоқдаки, давлат бошлиғи мамлакатнинг стратегик мақсад ва вазифаларини белгилаб бериши амалиётининг самарадорлигини кўрсатмоқда. Бунинг билан Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар таркибида давлат ҳокимиятининг ҳар уч тармоғи вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ҳўжалик бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари, таълим, илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари ўрин олганидан яққол билиб олишимиз мумкин.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

ЙИГИТЛАР МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЖўНАБ КЕТДИ

Шу кунларда Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси томонидан чақирилувчиларни Қуролли Кучлар сафига тантанали кузатиш маросимлари ўтказилмоқда.

Ушбу тадбирлар давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 21 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муқдатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муқдатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервиге бўша-тиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ташкил этилмоқда.

Тадбирлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари вакиллари, чақирилувчиларнинг яқинлари иштирокида байрамона кайфиятда ўтказилмоқда. Муқдатли ҳарбий хизматга кузатиш ҳар бир йигит ҳаётидаги муҳим ва эсда қоларли воқеалардан биридир.

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи Э.Тоштемиров бугунги кунда миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш йигитлардан нафақат мустаҳкам соғлиқ, балки юксак интеллектуал салоҳият, кенг дунёқараш, юқори ахлоқий-руҳий тайёргарликка эга бўлишни ҳам талаб этишини таъкидлади.

– Барча дўстларим ҳам мен каби мамлакатимиз Қуролли Кучларида хизмат қилишни орзу қилади, – дейди Миробод туманида

яшовчи чақирилувчи Комил Тўхтаров. – Биз бир йил давомида ҳар куни эрталаб биргаликда югуришга чиқдик, спорт билан шуғулланиб, айни пайтда ўз билимларимизни ошириб бордик. Буларнинг барчаси саралаш босқичларида юқори балл олишимга ёрдам берди. Комиссиянинг баҳолаш жараёнида менга меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбга эгалгим ва спортдаги ютуқларим туфайли қўшимча балл берилди. 9 ёшимдан буён бокс билан шуғулланаман ва спорт усталигига номзодман. Бундан ташқари, уч йил мобайнида сув-газ таъминоти тизимида меҳнат қилганман.

– Кўзимда қувонч ёшлари билан ўғлимни армия хизматига кузатмоқдаман, – дейди чақирилувчининг онаси Сапура Эргашева. – У ҳам отаси сингари ҳарбий соҳани танлади. Армиядан сўнг Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кириш ниятида. Давлатимиз раҳбаридан ўғилларимиз учун яратиб берилаётган қулай шароитлар учун миннатдоримиз. Ўғлим ҳам Ватанимизни ҳимоя қилишга муносиб ҳисса қўшишдан фахрланаман.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

Ассалом, баҳор!

ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ГўЗАЛ ВА ОБОД бўлсин!

Жаннатмакон ўлкамизга файз-таровати, зебу зийнати билан баҳор фасли кириб келди. Тез орада табиат яшиллик оламига бурканади. Яшариш ва янгиланиш фаслининг гултожи бўлган Наврўзи олам ҳам тобора яқинлашмоқда.

Азизлар, кўклам она табиатнинг бетакрор мўъжизаси эканлигидан келиб чиқиб, пойтахтимизни бундан-да жозибали ва фусункор қилиш мақсадида мева-вали ҳамда манзарали дарахт кўчатларини экиш, кўкаламзорлаштириш баҳор мавсумининг асосий вазифаларидан бири эканлигини ёддан чиқармайлик.

Обод масканларни кўриб дилнинг шод бўлса, яшил ҳудудлар эстетик ва соғломлаштириш вазифаларини бажаради.

Маҳаллаларда, корхона, ташкилот, муассасалар, ўқув масканларида халқимизга хос эзгу қад-



рият ҳисобланмиш ҳашарлар уюштириб, ҳамжихатликда ободонлаштириш, орасталаш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширсак азим шаҳримиз янада чирой очади, унинг ҳусни бундан-да файзли-тароватли бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ота-боболаримиз азал-азалдан баҳор фаслининг зийнати ҳисобланмиш Наврўзи олам арафасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келишган.

ХУРМАТЛИ ХАМШАҲАРЛАР!

Барчамиз ўзимиз истиқомат қилаётган турар жойларимиз атрофи, маҳаллаларимиз, йўл ва йўлаклар, гузарлар, хиёбонлар, мулкчилик шаклидан қатъи назар дўконлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, зиёратгоҳлар, каналлар, зовурлар, ариқлар, оқава сув йўллари ҳамда болалар майдончаларини ҳамкорликда янада кўркем ва обод этайлик, турфа дарахтлар кўчатларини ўтказиб, гулу чечакларга буркайлик. Бу ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

XXI саҳоси аср

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Гулистонда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар кутубхонаси ва Сирдарё вилояти ахборот-ресурс маркази ҳамкорлигида ўтказилган ўқув-семинар “Болалар кутубхоналигини оширишнинг самарали усуллари” деб номланди.

● Бухоро темир йўл вокзалида муқдатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган бухоролик йигитларни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

● Жиззахда ўтказилган “Баркамол авлод” болалар марказлари ўртасидаги “Миллий рақслар” кўрик-танловининг вилоят босқичида 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 126 ўқувчи иштирок этди. Танловда иштирокчилар маҳорати жамоавий ва якка рақс ижрочилиги бўйича синовдан ўтказилди. Уларнинг ижрочилиги маҳорати рақсинг бадиий, миллий аҳамияти, ўзига хослиги, сахна маданияти ва либос танлаш талаблари ҳисобга олиниб баҳоланди.

● Асака туманида “Томорқачилик – оила фаровонлиги омили” мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Иштирокчилар тумандаги “Илғор” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Деватаги, Отиш маҳаллаларида томорқадан унумли фойдаланиш бўйича олиб борилаётган ишлар, иссиқхоналарда цитрус мевалар, хусусан, лимон етиштириш, помидор ва бодрингдан мўл ҳосил олиш бўйича тўпланган тажриба билан танишди. Тадбир доирасида қишлоқ ҳўжалиги соҳасига хизмат кўрсатувчи идора ва ташкилотлар томонидан ўз хизматлари бўйича кўргазма ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

● Хитойнинг Sino-Europe Sports компанияси Италиянинг машҳур “Милан” футбол клубини сотиб олиш бўйича якуний келишувга эришди. Хитойликлар “Милан”нинг 99,9 фоиз акциясини сотиб олишади. “Милан” президенти Сильвио Берлускони билан учрашув Гонконгда бўлиб ўтди. Келишувга кўра, компания Берлусконига яна 320 млн. евро тўлаб беради. Аввалроқ хитойликлар Берлусконига 100 млн. евро тўлашганди.

● Австрия пойтахти Вена шаҳрида энг оммабоп виртуал валюта – биткоинлар билан ишловчи дунёдаги биринчи банк очилди. Банкда икки томон ўртасидаги электрон тўлов воситачиларсиз амалга оширилади. Тизимдаги барча маълумот ягона очиқ реестрда қайд этилади. Шунингдек, биткоинларнинг транзакцияси учун ҳеч қандай шахсий маълумот талаб этилмайди.

● Буюк Британия ва Хитой олимплари электрон чиқиндилардан атроф-муҳитга тарқалаётган захарли моддаларни нейтраллаш учун туҳумдан ясалган чип ихтиро қилишди. Электрон қурилмаларга ўрнатиладиган ушбу чиплар фойдаланиб бўлинган, чиқиндига ташланганда табиатда органик қисмларга бўлиниб, уни захарламайди.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Стратегия 5 та устувор йўналишдан иборат бўлиб, улар ўзаро узвий боғлиқ ва бир-бирини таъқозо этади. Яъни, давлат ва жамият қурилишини тақомиллаштиришдан, қонун устуворлигини таъминлашдан ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилмасдан туриб, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга эришиб бўлмайди.

Мазкур стратегик ҳужжатни тайёрлашда бизнинг фикримизча, эътибор берилган қўйидаги энг муҳим уч жиҳатга диққатимизни қаратишимиз зарур: биринчидан, Стратегия демократиянинг барча асосий талабларига риоя қилган ҳолда тайёрланди, яъни юқорида айтганимиздек, унинг асосига фуқароларнинг сайловолди ўрашувларда билдирган фикрлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўтарилган масалалар олинди. Қолаверса, лойиҳаларни тайёрлаш давомида аҳолининг кенг қатламлари орасида қизгин муҳокама-лар олиб борилди. Хусусан, лойиҳаларнинг "Қонун ҳужжатлари тасдиқини баҳолаш тизими" порталида йўлга қўйилган жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича 1310 та таклиф ва мулоҳаза келиб тушиб, улар асосида Давлат дастурининг 41 та банди қайта кўриб чиқилди. Иккинчидан, Стратегия ва унинг асосида тайёрланган Давлат дастури лойиҳалари малакали мутахассислар, экспертлар иштирокида ҳам кенг муҳокама қилинди. Учинчидан, Стратегия ва унинг асосида тайёрланган Давлат дастури лойиҳаларини тайёрлашда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари, илғор хорижий тажриба ўрганилганлиги ҳам муҳим жиҳатлардан бирини ташкил этади.

Биргина биринчи устувор йўналиш – Давлат ва жамият қурилишини тақомиллаштириш йўналишига тўхталдиган бўлсак, у уч бўлимдан иборат бўлиб, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, жамоатчилик бошқаруви тизимини тақомиллаштиришдан ташкил топган.

2017 йилги Давлат дастурида бу йўналишда 53 та тadbирни амалга ошириш мустақамлаб қўйилди. Бундан 16 таси қонун лойиҳалари шаклида, хусусан 7 та янги, 1 та янги тахрирдаги қонун, 4 та Президент фармони лойиҳаси, 2 та Президент қарори лойиҳаси, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 6 та қарори лойиҳасини қабул қилиш белгиланган бўлибди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, бежизга мазкур йўналиш биринчи этиб белгиланмаган. Чунки ҳар қандай муҳим ислохот, у суд-ҳуқуқ соҳасида бўладими, ёки иқтисодий, иқтисодий соҳада бўладими халқ вакиллари орқали ўтади ҳамда уларнинг доимий парламент назоратида бўлганлигига кўтилган натижа беради. Шунинг учун ҳам айрим мутахассислар вакиллик демократиясида парламент аҳолининг кўзи, қулоғи ва овози сифатида фаолият кўрсатиши лозим – деган хулосани илгари сурадиган. Шунинг учун ҳам Стратегияда давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлисининг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатида оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш алоҳида бўлим сифатида қайд этилди.

Жумладан, қонунчиликка Олий Мажлис палаталари ролини янада кучайтириш мақсадида киритилиши назарда тутилган ҳудудлардан сайланган депутат ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлиб, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиш, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритилиши ҳамда тегишли хулосалар

бериш тартиби ҳозирданқўйиш ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Парламент вакиллари томонидан ҳудудда нафақат давлат органлари фаолияти, балки фуқаролар ҳаёти билан бевосита танишиш, балки уларнинг муаммоларини жойида ҳал қилиш, қонунчиликни тақомиллаштириш ҳамда одамларни давлатдан рози бўлишида муҳим роль ўйнамоқда.

Аҳолининг ўзи сайлаган вакиллари билан муносабатга киришишида уларнинг узоғини енгил қилиш мақсадида жорий этилиши кўзда тутилган "Электрон парламент" тизими парламент фаолияти самардорлиги ва шаффофлигини ошириш, унинг фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали ҳал билан мулоқотни тақомиллаштириш, депутатларга сайланган сайлов округларидан маҳаллий ҳокимият идораларининг қарорларини мажбурий юбориш орқали ҳудуддаги ахволдан хабардорлигини ошириш имкониятини яратди.

Парламентни эса қарақатга келтириб турувчи, озуқа берувчи манбаа эса партиялардир. Мутахассисларнинг таъкидлашларига кўра, кўппартиявийлик ва парламентаризм – бу бир нишоннинг икки томони бўлиб, демократик парламент тизими фақат кўппартиявийлик ва сиёсий плюрализм асосидагина қарор топиши мумкин.

Фуқаролар ўз муштарак қарашлари, манфаатлари ва мақсадларини сиёсий партияларга уюшиб, очик ошқора сайловларда ўз гояси ҳаққоний эканлигига халқни ишон-

ман (шаҳар) ҳокимларининг, шунингдек, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарларининг қонқарсиз фаолияти ҳақида хулосаларни тақдим этиш ҳуқуқини бериш, Қонунчилик палатаси депутатларининг жойлардаги жамоатчилик вакиллари сифатида тегишли сиёсий партия ҳудудий бўлимлирининг вакиллари билан бирликтириб қўйиш каби ҳуқуқларини қонунан мустақамлаш белгиланди.

Албатта мазкур қўшимчалар партиялар олдида нафақат ҳуқуқ, балки юксак масъулиятни ҳам келтириб чиқаради.

Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш каби давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш ҳам ўз моҳияти эътиборига кўра тасодифан биринчи йўналишда мустақамлашмаган. Зеро, ҳар қандай давлат вазифа ва функциялари, парламент қабул қилаётган қонунлар ижроси давлат бошқаруви тизимининг сифатли ва самарали йўлга қўйилганлигига ўз натижасини бериши мумкин. Қолаверса, давлат бошқаруви органлари, хусусан жойлардаги идоралар ҳамда давлат хизматчилари ишнинг тўғри йўлга қўйиш, фаолиятнинг самардорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, малакали кадрларни топиш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, фаолиятни ҳамда давлат хизматларини очик-ошқора, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жалб этган ҳолда ташкил этиш Стратегиянинг бошқа йўналишларидаги ишлар муваффақиятини ҳам гаровдир.

СТРАТЕГИЯ – БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

тири давлат ҳокимияти органларида ўрин эгаллайдилар. Шунинг учун ҳам партиялар жамият ва давлат, халқ ва ҳокимият ўртасидаги кўприк вазифасини бажаради. Сиёсий партиялар халқ дарду ташвишларини ҳокимиятга етказишнинг муҳим, айна вақтда қонуний канали ҳисобланади. Унинг долзарб аҳамияти шундаки, агар биз мазкур каналга янада кенг йўл очиб бермасак, партияларнинг ролини кучайтирмасак, фуқаролар ўз муаммоларини айтишининг, билдиришининг бошқа номақбул, ноқонуний йўллари излай бошлашлари ёки бўлмаса ўз гаразли мақсадларида бошқа қулар бундан "самарали" фойдаланиб қолишлари мумкин.

Иқтисодий бозорда маркетинг хизматлари талаб таркибини аниқлаш ва шунга яраша ўз қўйиш билан шу каби сиёсатда партиялар жамият ривожланишининг ўзига бўлиб қолган, жамият муаммоларини ҳал қилишнинг ўзига бўлиб қолган, тақлифларини таъминлайдилар. Шу маънода бежизга Стратегияда давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмади.

Шунинг учун ҳам 2017 йилги Давлат дастурида халққа энг яқин бўлган ҳудудий партия гуруҳлари фаолиятини янада жонлантириш мақсадида уларнинг Кенгашларида маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиш ҳақидаги тақлифларни киритиш, туман (шаҳар) ҳокими номзодини вилоят ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилиш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларига вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига тегишлилиги бўйича ту-

Шунинг учун ҳам мазкур бўлимда аввалданқўйиш зарур талабларидан келиб чиқиб, Маъмурий ислохотлар Концепциясини қабул қилиш назарда тутилмоқда. Ҳамда давлат бошқаруви органларининг фаолияти самардорлигини ошириш ва таъминлаш мақсадида тақомиллаштириш, давлат бошқарувини номарказлаштириш, тақомиллаштириш функцияларини бажарадиган давлат органлари, турли комиссияларни бекор қилиш ёки бир-бирига қўйиш орқали давлат бошқаруви ва хизмати тўдан ислоҳ этиш каби масалалар ўз ўрнини топиши режалаштирилган.

Янги тахрирда қабул қилиниши кутилган "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида" Қонунда эса ҳокимларнинг ва бошқа мансабдор шахсларнинг аҳоли олдида ҳисобот бериш ва ҳисоботга оид маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бериш тартибини жорий этиш, жойлардаги Кенгашлар томонидан маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга ошириш шакллари ва механизмларини аниқлаштириш кўзда тутилмоқда. Ижро ҳокимияти органларининг вакиллик органлари олдидаги ҳисобдорлиги демократияга оид муҳим, умумэтироф этилган халқаро стандартларда, хусусан ЕХТнинг Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжатига ўз аксини топан талабдир. Бундан ташқари "Вилоят, туман ва шаҳарлар ҳокимларини сайлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг концепцияси тайёрланиши ҳам келгусида маҳаллий ҳокимият органларининг аҳоли олдидаги масъулияти ва ҳисобдорлигини оширишга хизмат қилади.

Давлат дастурида назарда тутилган "Давлат хизмати тўғрисида", "Давлат бошқаруви асослари тўғрисида", "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги янги қонунлар лойиҳалари давлат бошқаруви тизимини комплекс ислоҳ қилишга қаратилган пакет

қонунлар бўлиб, асосий мақсад ва мазмуни давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилишини, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулигини амалда таъминлашга, давлат хизматида ташаббускор, масъулиятли, билимли ва малакали кадрлар очиб, ошқора танлов асосида келишига қонуний йўл очиб бериш, фуқаролар давлат бошқаруви органларига мурожаат қилганларида уларнинг ҳар бири ўз идровий манфаатларидан келиб чиқиб, ўзига мос талабларни ўрнатмаслигини олдини олиш, бу масалада ягона, барча учун мажбурий маъмурий тартиб-таомилларни белгилаш, давлат бошқаруви органлари ўз маъмурий қарорларини қонунга асосан, ҳар томонлама асосланган ҳолда қабул қилишлари, бюрократия ва сансалорликни бартараф қилишга қаратилган.

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг самардорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мақсадида ҳар чорак якуни бўйича аҳоли ўртасида иқтисодий сўровлар ўтказиш, бу сўровлар орқали аҳолининг мазкур органлар фаолияти натижаларига, кўрсатилган давлат хизматларининг сифатига баҳо бериш кўзда тутилган. Асосий қўшимчадаги давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилишига далолатдир.

Бизга маълумки, Конституциямизга асосан халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи, яъни содда қилиб айтадиган бўлсак, давлат халқники. Шундай экан ҳар қандай ислохот халқ, жамоатчилик иштирок этгандагина, ҳисса қўшгандагина самара бериши мумкин. Шунинг учун ҳам Стратегиянинг биринчи йўналишида жамоатчилик бошқаруви тизимини тақомиллаштириш алоҳида қайд этилди.

Бу бўлимда "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, ҳар бир туман (шаҳар)да "Халқ қабулхоналари"ни ташкил этиш, муҳим иқтисодий, социал-иқтисодий аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтларга жойлаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамасида фуқаролик жамияти институтлари ва тегишли илмий тадқиқот муассасалари вакилларининг кенг иштирокини таъминлаш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва давлат бошқаруви органлари ҳузурида ушбу органлар фаолияти самардорлигини ошириш бўйича тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи жамоатчилик кенгашлари тўғрисида қайд этилди.

Юқоридаги фикрларнинг барчаси шундан далолат беришмоқдаки, Стратегиянинг асосий мақсади – инсон манфаатларини, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга қаратилган. Зеро, халқ вакиллари ҳар ой жойига чиқиб, вазиятни ўрганиши, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахсларнинг аҳоли олдида ҳисобот беришидан тортиб, муҳим лойиҳалар Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтларга жойлаштирилишига – давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиш, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулигини таъминлашга хизмат қилади.

Шундай экан, ҳар бир фуқаро, хусусан фуқароларнинг уюшмалари ҳисобланган фуқаролик жамияти институтлари Стратегия ва унинг асосида қабул қилинган Давлат дастурини ҳаётга таъбиқ этишда уларнинг фуқаролик позицияси билан муҳокамага қўйилган лойиҳаларга тақлиф ва тавсиялари ила фаол қатнашишлари, нафақат ўзлари, балки бошқаларни ҳам бунга даъват қилишлари лозим. Зеро, ислохотларимиз ҳар биримизнинг амалий ишмизга айлانган тақдирдагина муваффақият қозонамиз.

Миравзал МИРАКУЛОВ,
юридик фанлари доктори

Мирзо Улугбек тумани ҳокимиятининг ҚАРОРИ

МИРЗО УЛУГБЕК ТУМАНИДА 2017 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида"ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2013 йил 2 апрелдаги 58-буйруғи билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2016 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан бундан матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўриқдан ўтказиш мақсадида ҳамда Тошкент шаҳар "DAVTEXNAZORAT" инспекциясининг 2016 йил 20 декабрдаги 421-сон хатига илова "Мирзо Улугбек туманида мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда фуқароларнинг қишлоқ, хўжалиги ва мелиоратив техникалари, шунингдек, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўриқдан ўтказиш иш режаси"га асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Мирзо Улугбек туманида 2017 йилда мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устaxonалар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори М.Каримкуловага:

техникага, мулк, ҳуқуқ, асосида эга шахсларга (бундан бундан матнда мулкдор деб юритилади) техниккаларини техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш; мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина асбоб-ускуналарини йиллик техник кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибининг юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалик ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўриқдан ўтказиш майдончаларига йиғиш;

техник кўриқдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўриқдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўриқдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўриқдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслигини;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўриқдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўриқдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга: билдиришномани олгандан сўнг техник кўрик ўтказилишдан камида беш кун олдин техник кўриқдан ўтказилаётган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўриқдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни техник доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. Тошкент шаҳар "DAVTEXNAZORAT" инспекцияси (С.Хайтов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлақ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Мирзо Улугбек туман ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи (Қ.Икромов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Мирзо Улугбек туман тармоқ администратори (М.Алимов):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.mirzoulugbek.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимлигининг ўринбосари Д.Абидова зиммасига юклансин.

Мирзо Улугбек тумани ҳокими
Ш.Кудбиев

2017 йил 15 февраль

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.



ДОРИХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛИДА

Пойтахтимиздаги "RADISSON BLU" меҳмонхонасида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва "ASIA PHARM CONSULTING" хусусий корхонаси ҳамкорлигида тadbир ташкил этилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги "2016-2020 йилларда Республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида хусусий корхона томонидан "PHARMCLUB UZ" лойиҳаси ишлаб чиқилди. Тадбирда Россия Федерациясининг фармацевтика йўналишидаги таъкидлик эксперти Павел Лисовский иштирок этиб, "Дарихона бизнесида доримани ошириш" мавзусида маъруза қилди.

– Корхонамиз 2009 йили ташкил этилган, – дейди "ASIA PHARM CONSULTING" хусусий

корхонаси менежери Шахноза Аллаёрова. – Бугунги амалий семинарда дори маҳсулотларининг савдоси бўйича тadbиркорларнинг билим ва тушунарларини кенгайтириш, фармацевтика оид қонун, фармон ва қарорларга тўғри ёндашиш масалалари кўриб чиқилмоқда. Тадбирда 200 дан ортиқ дори-дармон улгуржи савдоси билан шуғулланувчи компаниялар, дорихона раҳбарлари иштирок этишмоқда. Корхонамиз томонидан фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни режалаштириш, лойиҳалаш, рўйхатдан ўтказиш, дори-дармон экспорт ва импортини ташкил этишга кўмаклашиш масала-

лари бўйича иш олиб борилади.

– Тадбирда "FORM GROUP" компаниясининг вакили сифатида иштирок этмоқдамиз, – дейди Наргиза Қосимова. – Бу бир тadbирга анча тайёргарлик кўриб, ўзимизнинг янги лойиҳамизни тайёрлаб келганмиз. Бу лойиҳа асосан дорихоналарни автоматлаштириш тизими билан боғлиқ бўлиб, улар фаолиятини яхшилашга ёрдам беради.

Амалий семинар мазмунли ва кўтаринки руҳда ўтди ва иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоблар олишди.

З.ШАРИФЖОНОВ

СУҒУРТА БОЗОРИДА ЕТАКЧИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамияти ташкил топганлигининг 20 йиллиги муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда "Ўзагросуғурта" компанияси мутахассислари ўтган 20 йил давомида компания томонидан амалга оширилган ишлар ҳусусида фикр юритишди. Айтиш жоизки, "Ўзагросуғурта" АЖ 1997 йил 25 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан ташкил этилган.

Ушбу суғурта компанияси илк ташкил этилган вақтда 35 та суғурта турлари бўйича хизмат кўрсатган бўлса, бугунги кунда миқдорлар 120 дан ортиқ суғурта турлари бўйича хизмат кўрсатилмоқда.

"Ўзагросуғурта" АЖ Республика бўйлаб кенг қамровли тузилмага эга бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда ва Тошкент шаҳрида жами 14 та филиалларга, 200 га яқин туман ва шаҳар бўлиmlаларига эга бўлиб, уларда 2 мингдан ортиқ суғурта агенти фаолият юритади. Бу мамлакатнинг энг чекка ва узоқ ҳудудларидаги миқозларга ҳам сифатли суғурта хизматларини кўрсатиш имконияти мавжудлигини билдиради. "Ўзагросуғурта" АЖнинг 20 йиллик фаолияти давомида барча йўналишдаги кўрсаткичларда юқори суръатларда ўсишга эришилмоқда. "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамиятининг миллий суғурта бозорида эришилаётган ютуқларда ҳам

улкан ҳиссаси бор, бунини сўнгги йиллар давомида миллий суғурта бозорининг кўрсаткичларидаги ўзгаришларда ҳам кўриш мумкин.

Мисол учун, биргина 2016 йилда суғурта бозоридаги суғурта муқофотларининг жами ҳажми 692,6 млрд. сўмни ташкил этиб, шундан жамиятнинг улуши 20,5 фоизни ташкил этган. Суғурта товлонлари республика миқёсида жами 130,4 млрд. сўм миқдоридан амалга оширилган бўлиб, шундан жамият томонидан 32,6 млрд. сўм маблағ тўлаб берилган.

Жамиятнинг ютуқларидан яна бири 2012-2013 йилда "SAIPRO" ахборот рейтинг агентлиги томонидан тақдим этилаётган "Олтин соябон" жамоатчилик муқофотининг "Энг яхши суғурта компанияси" ҳамда 2014 йилда "Қишлоқ жойларда суғуртани тарғиб этганлиги учун" номинацияларига сазовор деб топилди.

Ҳар бир суғурта компаниясининг ривожини негизда ушбу суғурталовчиға нисбатан миқозларнинг билдирган ишончи ётади. Шундан келиб чиқиб, "Ўзагросуғурта" аҳоли ўртасида суғурта маданиятини кенг тарғиб қилишни ҳамда уларнинг диди ва талабига мос суғурта турларини тақдим этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ш.ЗОКИРОВ



Тадбиркорлар
ва ишбилармонлар
ҳаракати —
Ўзбекистон

Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ташкил этилган адабий-бадий кеча “Зулфия — миллат ғурурига айланган аёл” деб номланди.

САДОҚАТ ВА ҒЎЗАЛЛИК КҮЙЧИСИ

Партия сиёсий кенгаши ижроия кўмитаси раиси ўринбосари М.Ахромов ва бошқалар мамлакатимизда ижод аҳлига қўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик адабиёт, санъат, маданият ва маънавиятимизни, илм-фани тобора раванқ топтириш, янгича фикр ва дунёқарашга эга бўлган авлодни вояга етказиш, ижодкорларни янги марралар сари руҳлантиришга ихлос бераётганини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда халқимизнинг сулуки шоираси Зулфиянинг баҳор нафаси, табиатга, ҳаётга бўлган муҳаббат ғоялари билан лиммо-лим шеърини қалбларга самимият бағишлаши таъкидланди. Унинг шеърлари она табиатга, шу табарруқ тупроққа, меҳнатсевар, фидойи инсонларга, мунис опа-сингилларимизга чуқур эҳтиромга йўрилгани билан ғоят қадрлидир.

Биринчи Президентимизнинг 1999 йил 10 июндаги “Зулфия номидаги Давлат мукофоти” таъсис этиш бўйича тақлифлари қўлаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ адабиёт, санъат, маданият, фан, таълим соҳаларида фаол иزلанаётган, интилувчан ва ташаббускор қизлар ушбу юксак мукофотга сазовор бўлмоқда. Бу мукофот мамлакатимизнинг турли ҳудудларига истискомат қилаётган қизларнинг орзу-интилишларини юзага чиқариш, уларга қанот бағишлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Мен ҳам буюк шоира издоши бўлганимдан фахрланаман, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Меҳриноз Аббосова. — Ушбу мукофот сеvimли шоирамиз номига, халқимизнинг ишончига, мамлакатимизда ёшларга қўрсатилаётган меҳр-эътиборга муносиб бўлиш масъулиятини юклайди.

Адабий кечада Зулфия шеърини навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, уларни Ватанга муҳаббат, юрт тақдирга дахлдорлик, меҳр-саховат, ҳалоллик ва меҳнатсеварлик ғоялари асосида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

Тадбирда шоиранинг шеърлари турли тилларда жаранглади.

**А.КИЁСОВА,
ЎЗА МУХБИРИ**

Хуш келибсан, ўлкамга баҳор!

Мана, ниҳоят кўнгилларимизни интиқ қилиб соғинтирган баҳор фасли, кўклам нафаси қутлуг қадамлари билан яна ўлкамизга ташриф буюрди. Қуёш заррин нурларини замин узра таратар экан, табиатни уйқудан уйғотиб, юртимизга баҳор ифторларини бахт, қувонч ва шодлик ила олиб келаётгандай таассурот қолдиради.

ЯНГИЛАНИШ, ЯШНАТИШ ФАСЛИ

Ҳамма нарса эзгуликка чорлайди деганларидек, бу йилги киш фаслининг аёзлари, серёгин оппоқ қорлари мўл-кўл ҳосил етиштирилишига далолатдир. Баҳор яратиш, яшнатиш, янгиланиш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш фасли.

“Ҳосил мўл бўлсин, далаларимиз дон-дунга тўлсин” дея кетмонини елкасига ташлаган бободехқон ризқирўзимиз манбаи бўлган ер бағрини юмшатишга чоғланмоқда. Дала, боғларда, қир-адрларда иш қизийди, новдалар бошини эгиб, шаббодалар майин қўшиқ куйлайди.

Илк ёмғир томчилари дов-дарахтларнинг шоҳларини силкитиб, атрофга ўзгача фойз-тароват бағишлайди. Қушларнинг чўғур-чўғури, бинафша-ю, алпизларнинг хушбўй ифторлари оламни тутди. Энг асосийси баҳорнинг илк даракчиси бодом оппоқ бўлиб гуллайди. Айвон тоқидидаги уяси-га яна қалдирғочлар қайтиб келади.

Фасли навбаҳор, буюк қадриятларимизни қадрлаб, анъаналаримизни улуғлаб, урфу одатларимизни ардоқлаб, хайру саховат, эзгулик ва озу-ниятларни бағрига жамлаб, энг ғўзал байрамларни ҳам, ўзи билан бирга олиб келади.

Бутун дунёда нишонланадиган 8-март — Халқаро хотин-қизлар байрами, миллий қадриятларимиз тимсоли бўлган Наврўзи олам шуккуи қалбларга олам-олам қувонч, шодумонлик ва кўтаринки кайфият бағишлайди.

Баҳор шундай кўркям фаслики, унда табиат бор бўй-бастини, қўрқу жамолини гуллар ифорида, қушлар чўғурида, варрак учираётган болажонлар ва сочларига сочпоқудан жамалаклар тақаётган қизалоқларнинг шодон қийқирикларини-ю, қулгулариди акс эта-



ди. Қалбларга энг беғубор ҳис-туйғуларни инъом этиб кириб келаётган кўкломли нафаси, дилларга завқ, тинч ва фаровон кунлар учун кўнгилларда беадад шукроналик туйғуларини уйғотади. Кечагина киш чилласидан тинкаси қуриган дарахтларга жон кириб яшилликка бурканади, бутун мавжудот, борлик уйғонади.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”нинг илк баҳори ўз қадамларида юртимизга фаровонлик, халқимизга тинчлик-осойишталик, дастурхонларимизга кут-баракат, тўқинлик, кўнгилларга эса, меҳру муҳаббат ва хайру саховатни эргаштириб келади.

Ҳа, фаслларнинг келинчаги, эркактой бўлиши баҳоройнинг ўз гаши-таровати, дилларга, қалбларга пинҳона улашадиган сеҳрли сир-асрорлари бор. Қулоқларга шивирлаб айтадиган, юракларни энтиқтирадиган,

гуллардан-да нафис, муҳаббат туйғуларига ҳамоҳанг мафтункор, беқийс ғўзаллиги бор.

Хуш келибсан ўлкамга фасли навбаҳор! Қадамларинг қутлуг келсин! Жаннатмакон диёримиз бундан-да яшнасин, ривож топсин. Бағринг гулларга, борлигинг хушбўй ифторлага тўлиб дунёни яшнатавер.

Осмоннинг тинчлик қабатларини учиб, заминимиз узра дилга ором ғўшлаб баҳор наволари янграйверсин, омборларимиз донга, ҳаётимиз бахту иқболга, саодатли, фароғатли, шуккули кунларга тўлсин. Кўкломли фасли, кўркям баҳор барчамизга муборак бўлсин!

**Салом баҳор, навбаҳор фаслим,
Хушбахт қадамларинг, зулувор бўлсин,
Қўқлардан қўқ қилган, кўкломли фаслим.
Сен туйғай олам нурларга тўқсин.**
Гулчехра ДУРДИЕВА

мон йўл олади, она замин юрагининг чанқоғини қондиради.

Баҳор ёмғири остида бир-бирларига қўл қўзиб, бўй улашётган дарахтлар аста-секин елкаларини елкасига қўйиб, ним пўшти, сарик, оқ ва баҳамуланг гуллар билан безанади.

Хар баҳор юртдошларимиз катта хашарга бел боғлайдилар. Ариқларни тозалаш, дарахтларни оқлаш, йўл четларига ниқоллар экиш, киш бўйи йўлларга ниқорон бўлган қора кўзларни йўқлаш халқимиз наъзидида одат тусига кирган. Тўнда ой ёдуси остида далаларда бугдой поясининг иссиқ нафаси уфғуриб турар экан, галлакор фермер белини қамшидан боғлаб, элу юрт дастурхонини тўлдирди ҳақидаги орзу-мақсадлари йўлида ҳеч қандай қийинчиликлардан қўрқмасдан мардонавор меҳнат қилади. Чунки, бу йилги мўл-кўл ёғингарчилик уларнинг юрағида юлдузлар қадар баланд хирмон ҳақидаги умиду ишончларни мустаҳкамлаганига шубҳа йўқ.

Боболаримиз айтганидек, табиат билан тиллашиш, унга меҳр қўратиш инсонни унлайтиради, улуғлайди. Тонгда симёғочга қўниб чўғурлашётган қалдирғочларнинг сўхбати диққатини тортарди. Улар нималарни гаплашар экан, улар бунчалар беозорлиқни қайдан ўрганди экан, деган саволларга жавоб излардим. Дарвоқе, она қалбининг беозорлиғи, содда ва меҳрга тўғайлиги халқ ҳамон менга қалдирғочларни эслатади. Қайсидир ҳовлига қалдирғоч учиб келса, ил курса бунинг хосияти бор дер эдилар момоларимиз.

Навқирон Ўзбекистонимиз — том маънода ана шундай хосиятга масканлардандир. Баҳорда унинг бағри қалдирғочлар билан тўлади. Баҳор аслида ёшариш фасли — Она-жонлар байрами, Наврўзи олам — бу байрамлар халқимизнинг меҳр ва муҳаббат байрамига айланиб кетган.

**Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА,
шоира**

ЯНА БАҲОР КЕЛДИ СЕНИ СЎРОҚЛАБ

Ҳар йили 1 март кун баҳор юртимизга устозимиз Ўзбекистон халқ шоири Зулфияхоним таваллуд кун билан бирга кириб келади. Зулфияхоним ҳайкали пойида таниқли ижодкорларнинг, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлган қизларимизнинг жўшқин мушоираси бошланиб кетади. Қалбларимизда беҳосдан Зулфияхонимнинг ушбу сатрлари бўй кўрсатади:

*Яна бугун баҳорга зорман,
Ўз баҳорим каби шошқалоқ.
Яна бугун баҳорга зорман,
Кутавериб дил бўлди қадок.*

*Баҳор — қўшиқ, таваллуд фасли,
Бунда сенга чунон ҳам зор бор.
Энг беозор туйғулар насли —
Шеърларимга бир доя даркор.*

Ҳа, бу сатрларни ўқиганимиздан сўнг шоир юрагини қадок қилган баҳор соғинчи яна минг-минглаб юракларга қўчиб ўтади. Юрағида юрт ишқи, ёшлик шавқи, ижод илҳоми қайнаб турган ёшларимиз ўзларининг ғўзал ташбехлари билан ушбу соғинч таърифига таъриф қўшадилар. Баҳор илҳомларни фақатгина ижод соҳасидагина эмас, балки жамиятимиздаги барча жаҳалларда ўзининг жўшқин кайфиятини намойиш этади.

Февраль ойида юртимиз бўйлаб оппоқ қор мўл-кўл ёғди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Kim oshdi savdo servis” МЧЖ Тошкент шаҳар филиали

нархлар ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

2017 йил 3 апрель кун соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 21-ўйда бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: ФИБ Миробод туманлараро судининг 13.01.2016 йил №1-258/16-сонли икромарақасига асосан Бектемир т. СИБ томонидан хатланган: 2001 й/и/ч, д/р белгиси 01/685LCA, қизил металл раангли, Бектемир тумани, Х.Бойқаро кўчаси, 2-ўйда сақланаётган “NEXIA” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 15 891 000 сўм.

ЖИБ Юнусобод туман судининг 09.12.2015 йилдаги икромарақасига асосан, носоз ҳолатлардаги: 1. 2009 й/и/ч, д/р белгиси 01/У393СА, оқ раангли, “NEXIA” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 32 000 000 сўм. 2. 2008-й/и/ч, д/р белгиси 01/У393QA, оқ раангли, “NEXIA” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 30 000 000 сўм. 3. 1992 й/и/ч, д/р белгиси 01/У424QA, ҳаво раангли, “Ford Transit” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 27 949 056 сўм.

Автотранспортлар сақланаётган манзили: Бектемир тумани, Х.Бойқаро кўчаси, 27-ўй. ИИББ Ахборот маркази жарима майдони.

ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 12.04.2016 йилдаги №11516/11-сонли икромарақасига асосан Шайхонтоҳур т. СИБ томонидан хатланган: 2009 й/и/ч, д/р белгиси 75/У191BA, куланг (серебристый) раангли, Шайхонтоҳур т. Лайлитуғон-1 “Auto Plaza Servis” МЧЖда сақланаётган, “EPICA” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 47 166 091 сўм, 15 тийин.

ЖИБ Тошкент ш. Шайхонтоҳур судининг 25.06.2014 йилги ҳукми асосида берилган, 21.07.2014 йил №5909/15-сонли икромарақасига асосан Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар тақоран аукцион савдосига қўйилмоқда: 1993 й/и/ч, д/р/б 01Н334EA, сарик раангли, техник носоз “Dogan” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 2 765 586 сўм, 33 тийин.

ЖИБ Тошкент ш. Шайхонтоҳур судининг 22.06.2015 йил-

ги ҳукми асосида берилган, 08.07.2015 йил №27012/11-сонли икромарақасига асосан Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. СИБ томонидан хатланган: 1996 й/и/ч, д/р/б 01Z352RA, куланг раангли, техник носоз “ГАЗ-310290” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 8 550 949 сўм, 24 тийин.

Автомотортранспорт воситаси сақланаётган жой: “Автомотор-Хаваскор Ганга сервис” ШЖ автоуловларни сақлаш майдони.

ЖИБ Тошкент ш. Шайхонтоҳур судининг 23.12.2014 йилдаги ҳукми асосида берилган, 15.04.2015 йил №14955/15-сонли икромарақасига асосан Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. СИБ томонидан хатланган: 1. 1990 й/и/ч, д/р/б 01L749KA, техник носоз, қаймоқ раангли, “Ford Transit” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 13 432 567 сўм, 13 тийин. 2. 2001 й/и/ч, д/р/б 10V031JA, техник носоз, оқ раангли, “ГАЗ-322132” русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси: 8 185 593 сўм, 04 тийин.

Автомотортранспорт воситаси сақланаётган жой: “Авто Плаза Сервис” МЧЖ автоуловларни сақлаш майдони.

Юридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд икромачилари бўлими вакиллари иштирокида бево-сита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни хар кун (дам олиш ва байрам кўнларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилиш савдодан бир иш кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида икром ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда хар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — “Kim oshdi savdo servis” МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004959643001 АТИБ “Ипотечка банк” Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz Маълумот учун телефон: +99898 305-11-81

Гувоҳнома 5477

“KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 апрелдаги 102-сонли ва 28 июндаги 215-сонли қарорлари ва “Тошшаҳар-трансхизмат” АЖ бошқарув қарори ҳамда “Тошкент трамвайи” УКнинг 2017 йил 24 февралдаги 120-сонли буюртмасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 57-ўй манзилда жойлашган, умумий майдони 19,7 минг кв.м, ер майдони 9,4263 га бўлган бино ва иншоотлар. **Бошланғич баҳоси — 25 596 052 427 сўм.**

2. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Янги Қўйлик кўчаси, 40-ўй манзилда жойлашган умумий майдони 7,184 минг кв.м, ер майдони 2,1418 га бўлган бино ва иншоотлар. **Бошланғич баҳоси — 9 025 062 970 сўм.**

Аукцион савдоси 2017 йил 4 апрель кун соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш қўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2017 йил 31 март кун соат 18:00.

Кўчмас мулк 2017 йил 4 апрель кун соатилмаган тақдирда, тақрорий савдолари 2017 йилнинг 21 апрель, 8, 24 май, 9 июнь кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтади. Тақрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2016 йилнинг 21 апрельдаги савдо учун 19 апрель кун, 8 майдаги савдо учун 5 май кун, 24 майдаги савдо учун 22 май кун, 9 июндаги савдо учун 7 июнь кун соат 18:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

— жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига 20 (йигирма) банк иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбуриятини юклатилади. Мулоқот тўлиқ тўловини амалга ошириш мuddати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Очик аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI” МЧЖнинг “ИПак йўли банки” АИТБ Савбон ф-даги 202080000904920609114, МФО:01036, СТИР:207122519 х/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширувчи қадар тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-ўй. Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Коржақуши кўчаси, 1-А-ўй. Тел/Факс: (0371) 228-80-23. www.1kms.uz. Электрон почта: nieltavdo@inbox.uz.

Лицензия: RA-0001.

Сўранг, жавоб берамиз

Айтинг-чи, муомала лаёқати деганда нима тушунилади ва фуқаролар неча ёшдан муомала лаёқатига эга ҳисобланиши мумкин?

**К.Нигматуллаев,
Миробод тумани**

— Муомала лаёқати аслида фуқароларнинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларини олиши, амалга ошириши, ўзлари учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириши ва уларни бажаришидир. Ақли расо, 18 ёшга тўлган шахслар қонунда белгиланганидек муомала лаёқатига эга бўлади. 6 ёшгача бўлган болалар ёки суд томонидан руҳий касал ва ақли заиф деб топилганлар тўлиқ муомала лаёқатсиз ҳисобланадилар.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар қисман муомалага лаёқатли бўлиб, вакилларнинг розилиги бўлган тақдирда ўз ҳаракатлари билан ҳуқуқ ва мажбуриятлар олишлари мумкин.

Улар ўзларининг иш ҳақлари ёки стипендияларини тасарруф қилишга, ўз асарлари, ихтироларига бўлган муаллифлик ҳақда ихтирочилик ҳуқуқларини амалга оширишга, кредит муассасаларига маблағлар қўйиш ва уларни тасарруф этишга, шунингдек, майда маиший битимлар тузишга ҳақлидирлар.

**Ихтиёр РУЗИМОВ,
Олмазор тумани 3-сонли ДНИ нотариуси**

Фуқаронинг ва вояга етмаган шахснинг тирик эканлигини тасдиқлаш қандай тартибда амалга оширилади?

**А.Хабибуллаев,
Олмазор тумани**

— Фуқаронинг шахсий илтимосига кўра нотариус тирик эканлиги фактини унинг иштирокида тасдиқлайди. Бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун фуқаронинг ёзма аризаси олинади.

Вояга етмаган шахснинг тирик эканлиги фактини тасдиқлаш унинг қонуний вакиллари (ота-онаси, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уни ўз ҳомийлигига олган ташкилотнинг ёзма илтимосига кўра амалга оширилади. Нотариус мурожаат қилган шахсга фуқаронинг тирик эканлиги ҳолатини тасдиқловчи гувоҳнома беради.

**Ёркиной ВАПАЕВА,
Яшнобод туман 7-сонли
давлат нотариал
идораси нотариуси**

Яқин дўстим билан олди-бердимизни нотариал идорада расмийлаштирмоқчи эдик. Нотариусга қандай ҳужжатлар топширишимиз керак?

**З.Низов,
Яшнобод тумани**

Жисмоний шахслар ўртасидаги қарз шартномаси, агар унинг суммаси энг кам иш ҳақи миқдорининг 10 бараваридан ошса, оддий ёзма шаклда тузилиши керак. У қарз олувчининг ўзга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки ашёларнинг муайян миқдори берилганлигини тасдиқлайдиган тилхати бўлганда ҳам ёзма шаклда тузилган, деб ҳисобланади.

Шу сабабли агар сиз энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан кам суммани қарзга бермоқчи бўлсангиз, битимни нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди — ёзма қарз шартномаси ёки қарз олувчининг тилхати қифоя.

Агар сиз қатта суммани қарзга бермоқчи бўлсангиз, ушбу битимни нотариусда тасдиқлашга ҳаракат қилинг. Нотариус нотариал ҳаракатларни содир этиш учун мурожаат қилувчининг шахсини аниқлаш, юзма-юз сўхбат вақтида фуқароларнинг ҳуқуқий лаёқатини аниқлаши, тарафларнинг ҳақиқий ниятларини белгилashi, мурожаат қилган шахсларнинг илтимосига кўра, қарз шартномаси лойиҳасини туза олиши нотариал тасдиқлашнинг ижобий томонларидир.

Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 171-бандига кўра, қарз шартномаси хоҳланган нотариал идорада тасдиқланиши мумкин. Унда қарзнинг қайтарилиш мuddати, жойи ва мажбурият бажарилиши усуллари ҳақида нотариус томонидан тушунтириш берилганлиги қўрсатилиши керак. Лозим бўлса, нотариус тарафларнинг хоҳиш-истакларини аниқлаш мақсадида ариза олиши мумкин.

Агар сизда нотариусга мурожаат қилиш имконияти бўлмаса ёки маълум сабабларга кўра шундай қилишни хоҳламасангиз, юрист ёки адвокатга мурожаат қилишингиз мумкин. Улар сизга шартномани тўғри тузишда ёрдам бериб, унда барча зарур ва муҳим жиҳатларни акс эттириладилар.

</

САЛОМАТЛИК САРИ ҚАДАМ

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилоти ходимлари касабани уюшмаси ва Таълим, фан ва маданият ходимлари касабани уюшмаси Олмасор тумани кенгаши томонидан “Спорт – саломатлик гарови” шиори остида спорт мусобақалари ташкил этилди.



Турли соҳаларда меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, бу орқали бўш вақтларини сермезмун ўтказишлари, кўмаклашиш мақсадида ўтказилган ушбу мусобақада 500 дан зиёд ходим қатнашди. Спарттакида иштирокчилари спортнинг 6 тури – бадминтон, баскетбол, шахмат, шашка, сузиш, стол тенниси бўйича маҳоратларини намойён этишди.

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федерацияси Кенгаши бугунги кунда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бирга ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлаш йўналишида ҳам тизимли ишларни амалга оширмоқда, – дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилоти ходимлари касабани уюшмаси Олмасор тумани Кенгаши раиси Лола Исматова. – Меҳ-

наткашлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимларни спортнинг оммавий турларига қизиқтириш орқали меҳнат фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашишмоқда. Қизиқарли беллашуларга бой тарзда кечган мусобақада ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Мусобақа ғолиблари ҳамда совриндорларига эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА
Козим Улмасов олган сурат

Тошкент Фармацевтика институтида “Қамолот” ЁИХ Миробод тумани Кенгаши томонидан “Ҳоким ва ёшлар” лойиҳаси доирасида тадбир ташкил этилди.

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Унда Миробод тумани ҳокимлиги мутасаддилари, “Қамолот” ЁИХ Миробод тумани Кенгаши, “Ёш тренерлар” клуби аъзолари ҳамда талаба-ёшлар қатнашди. Учрашувда Миробод тумани ҳокими Шарофиддин Қодиров йиғилганларга 2017 йил – “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”нинг мазмун-моҳияти, юртимизда ёшларга яратилган имкониятлар, шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш, барқамол, қомил инсон бўлиб вояга етишларида таълим муассасалари, маҳалла ва оиланинг ўрни ҳамда турли хил таҳдидлардан доимо огоҳ бўлишга алоҳида тўхталиб ўтди. Ёшларни бугунги куннинг қадрига етиш, берилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш лозимлиги яна бир бор эслатиб ўтилди.

Мамлакатимизда ёшларга яратиб берилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиз, – дейди “Қамолот” ЁИХ тумани Кенгаши етакчи мутахассиси Умиджон Набиев. – Бугунги кунда биз, ёшларга берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўз соҳасининг етук мутахассисига айлانسак, юртимизнинг янада равнақ топишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз. Ўзaro очик мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатиди ёшлар ўртасидаги муаммолар ва тақлифлар тингланди. Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ёшларимиз қалбиди ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта.

Тадбир давомида институт талабалари ҳамда академик лицей ўқувчилари томонидан берилган саволларга тумани ҳокими жавоб берди.

Зарина РУСТАМОВА

Тошкент Молия институтида 2017 йил – “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури доирасида имконияти чекланган болаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида “Инсон – ҳаёт гултожи!” шиори остида хайрия акцияси ўтказилди.

ҲАР БИР БОЛА МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ОҒУШИДА

Акция доирасида институт жамоаси ҳамда талабалари билан биргаликда пойтахтнинг бир қатор Муруват уйлари, имконияти чекланган ўқувчи-ёшлар тахсил олувчи касб-ҳунар коллежлари ва ихтисослаштирилган мактабларда хайрия тадбирлари ташкил этилди. Мазкур лойиҳанинг якуний босқичи Тошкент молия институтида ўтказилиб, унда Муруват уйлари тарбияланувчилари, заиф эшитувчиларга ихтисослашган мактаб ўқувчилари ҳамда имконияти чекланган ёшлар, ихтисослашган касб-ҳунар коллежи ўқувчилари учун концерт дастури ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбек Миллий академик драма театри актрисалари Раъно Ярашева ва Дилноза Кубаева, Ўзбекистон халқ ҳофизси Оролмирозо Сафа-

ров, 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида спортнинг дзюдо тури бўйича 1-ўринни қўлга қиритиб, голиблик совринлари қаторига 2 та олтин медал олиб келган спортчиларимиз – Ўткир Нигматов ҳамда Шерзод Назомиёвлар иштирок этишди.

“Инсон – ҳаёт гултожи!” шиори остидаги хайрия акциясида имконияти чекланган ўқувчи-ёшлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди. Беллашуларда иштирок этиб, юқори натижаларни қайд этган иштирокчилар институт томонидан махсус совғалар билан тақдирланди.

Бахтиёр ҲАЙТОВ,
Тошкент Молия институти
“Жисмоний маданият ва спорт”
кафедраси ўқитувчиси

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Тадбирда Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицей ўқувчилари томонидан тайёрланган хитой ва корейс тилларидаги саҳна кўринишлари намойиш қилинди.

Биз тенгдошларимиз билан бирга “Шум бола” фильмидан қисқа бир саҳна кўринишини хитой тилида тақдим этдик, – дейди ТДШИ қошидаги академик лицей ўқувчиси Маҳмудхўжа Журба-

тов. – Хитойнинг миллий спорт турларидан бири бўлиш кун-фу жанг санъатини ҳам байрам иштирокчилари эътиборига ҳавола қилдик.

Хонандалар томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар меҳмонларга яхши кайфият улашди. Тадбир доирасида ўзбек ва жаҳон адабиёти китобларининг кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Зафар НАЗАРОВ

Гиёҳвандлик – аср вабоси

КЎЗА КУНДА ЭМАС, КУНИДА СИНАДИ

Гиёҳвандлик. Бу сўз қулоғимизга чалиниши билан дахшатли иллат домига илинган одамларнинг руҳий, жисмоний қийноқлари кўз олдимизга келади. Унинг савдоси билан шуғулланувчи кимсаларга нисбатан эса кишида нафрат туйғуси уйғонади.

Шундай кимсалар ҳам борки, жамиятда инсон манфаатини кўзлаб чиқариладиган қонун-қоидаларга эмас, балки ман этилган ишларни қилишни “хуш” кўради. Ўзларини устумон санаб, осон пул топишни мақсад қилади ҳамда нафақат атрофдагиларни, балки унинг олдини олишга масъул кишиларнинг ҳам кўзини шамғалат қилишга ҳаракат қилади. Аммо ҳалқимизнинг “Кўза кунда эмас, кунда синади”, деган ғапи топиб айтилган. Уларнинг бу разил қилиши фў бўлиши тайин, албатта.

Бундан борада барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан самарали тезкор тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ҳодимлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир натижасида пойтахтимизнинг Чи-

лонзор туманида фуқаро Ф.Нишанов бир шахсга қичик ҳажмдаги ўрамда гиёҳвандлик воситасини сотаётган вақтида қўлга олинди. Тегишли эксперт ҳулосасига кўра, ушбу ўткир хидли, тўқ жигарранг модда умумий оғирлиги 4,53 граммни ташкил этган “Опий” гиёҳванд воситаси эканлиги маълум бўлди.

Ф.Нишановнинг қўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини қўлга олишга қўл равишида сотишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисмида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжудлиги ҳамда тезкор тергов ҳаракатлари орқали ҳақиқатни аниқлаш зарурлигини инобатга олиб, мазкур ҳолат бўйича Тошкент шаҳар божхона бошқармаси томонидан жиноят иши қўзғатилди.

Тошкент шаҳар ИИББ томонидан олиб борилган дастлабки тергов ҳаракатлари давомида фуқаро Ф.Н. эҳтиёт чораси сифатида вақ-

тинча қамоққа олинди. Жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани суди мазкур жиноят ишини кўриб чиқиб, Ф.Н.ни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25- ва 273-моддаси 5-қисми ва 219-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топиб, унга узил-кесил ўташ учун 10 йил 2 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Ҳа, қилмиш-қилдириш, дея бежиз айтилмаган. Қанча инсонларни, уларнинг оиласидоғи тотиқлики бузиб, ҳаётларини жар ёқасида қолдириб, эвазига ўзлари роҳат-фароғатда яшашни маъқул кўрган бу каби “устумонлар”нинг ҳеч бир жинояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳодимларининг назаридан четда қолмайди. Зеро, жиноятга жазо муқаррар.

А.ТАДЖИБАЕВ,
Тошкент шаҳар
прокурори катта ёрдамчиси,
адлия маслаҳатчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

АЗИЗ ҲАМИШАҲАРЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йилнинг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинганлигини инобатга олиб, алоқа ва ахборотлаштириш ҳамда даврий маълумотни тарқатиш соҳасида кўрсатилган хизматларни янада яхшилаш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлиминининг 236-01-11 рақамли “Ишонч телефони” фаолияти хизматлари шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 09:00 дан 18:00 гача, тўлиқ 13:00 дан 14:00 гача этиб белгиланганлигини маълум қиламиз. Тақдир, мулоҳаза ва муаммоларингиз билан танишиб, уларни ҳал этиш юзасидан қўнғирокларингизни қутамиз.

“AUTO TRADE COOPERATION” МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2017 йил 20 март кун соат 11.00да бошлангич баҳоси олиб бориши тартибидида ўтказиладиган “Очиқ аукцион” савдосига қўйиладиган автотранспорт воситалари тақрибан қуйилмоқда: 1. Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг 11.07.2016 йилдаги 10-1612/16896-сонли ижро варақасига асосан Миробод тумани СИБ томонидан хатланган Миробод тумани ободонлаштириш бошқармасида сақланаётган: 1997 йилда и/ч, д/р 01/243РВА, “КАМАЗ-53213” русумли юк автомашини, бошлангич баҳоси 27 616 500 сўм; 1996 йилда и/ч, д/р 01/282ЕСА, “Тикко” русумли автомашини, бошлангич баҳоси 11 175 800 сўм; 2. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 20.02.2015 йилдаги 2-сонли ижро варақасига асосан Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан хатланган Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 189А-ўйда сақланаётган: 2012 йилда и/ч, д/р 01/430ДСА, “SHANXI” русумли бетон қорши автомашиниси, бошлангич баҳоси 206 248 000 сўм; 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/886ВВА, “SHANXI” русумли бетон қорши автомашиниси, бошлангич баҳоси 206 248 000 сўм; 2012 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/887ВВА, “SHANXI” русумли бетон қорши автомашиниси, бошлангич баҳоси 206 248 000 сўм. Савдолар Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-ўйда жойлашган “Савдо ташкилотчиси”нинг аукцион залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан тумани СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиб савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк унун тўловларини амалга ошириш лозим. Талабдорлардан аризалар расмий иш қилини соат 10.00дан 16.00гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 11.00да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истидаги талабдорлар тузилмадаги зақалат қилишувига асосан мулк бошлангич баҳосининг 20 (йигирма) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда “Савдо ташкилотчиси”нинг АТБ “InfinaBANK”даги МФО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва арiza билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, зақалат тули тўланганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Устав нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўратилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслар – сўмдаги маблағларнинг қелиб қишиш қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Хар бир мулк учун қўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 (икки) баробари миқоридида тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-ўй. Тел: (95) 193-74-96, e-mail: info@auksion.uz

Гувоҳнома № 005148

“101”

МУЛКИНГИЗНИ АСРАЙ БИЛИНГ

Киши қачонки бошига ташвиш тушгандагина ҳушёр тортиб, ўз хатти-ҳаракатига баҳо беради, унчага эса...

Ёнғин хавфсизлиги ҳодимларининг неча бор огоҳлантиришлари, жаримага тортишлари қарамай, ҳамон ўз билганларидан қолмай, уйларида носоз электр, газ плиталаридан фойдаланиб келаётган кимсаларнинг борлиги ачинарли ҳол. Вақти келиб хонадонларида ёнғин содир бўлганда эса ёрдам сўраб югуриб қолаётганларини кўриб қишда ҳам хайрат, ҳам ачинаш ҳисси уйғонади. Ахир кунга кеча тинч ва осуда ҳаёт кечиб, ўз меҳнат маҳсулидан баҳра олиб юрган оиланинг ўйи бир кечада қўлга айланиши қимнинг ҳаёлига қелибди, дейсиз. Агар инспекторларга қўлқо солишганда, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишганда бундай ҳол юз бермасди.

Ҳақ гапининг аччиғи яхши, кишини ҳушёр тортиради. Жорий йилнинг 17 февраль кун соат 01 дан 37 дақиқа ўтганда Миробод тумани А.Қаҳҳор 3-тор кўчаси, 109-ўйда ёнғин содир бўлган ва ёнғин оқибатида 1951 йилда туғилган А.Кириченконинг уйигина эмас, балки танаси ҳам қўйди. Унинг алағадан иккала қўллари II-III-A-даража S-4% қуйиш тан жароҳати олди.

Инсон орзу билан яшайди, меҳнат қилади, мол-мулк ортиради. Аммо, уни ёнғин оқибатларидан асрашни билмайди. Агар билганда ва унга амал қилганда бошига бундай қўрқуликлар тушмасди. Демак, ҳамма гап ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билиш ва уларга амал қилишда. Шундай эмасми?

Азиз юртдошлар ёнғин қоидаларига риоя қилиш билан Сиз ўз уйингиз, оилангиз, ёш болаларни офатдан сақлаган ва шахримиз чиройига ўз ҳиссамизни қўшган бўласиз.

Ёдингизда тутинг, ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш осонроқдир!

Жаҳонгир АБДУКАРИМОВ,
Миробод тумани ИИБ ЭХБ
инспектори, сержант

ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРМОҚДА

Ота-боболаримиз дуога қўл очишганда “Ўт балосидан асрасин...” деган сўзларни такрорлашни қанда қилишмайди. Бунинг замирида катта маъно ётишини ҳамма ҳам бирдек тушуниб етмаса керак. Йўқса айрим кимсалар бу балога нисбатан бефарқ бўлишмас эди.

Ёнғиннинг олдини олиш борасида оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда огоҳлантирувчи эълонлар бериб бориладиган, барибир қимнингдир лоқайдлиги боис ёнғинлар содир бўлмоқда. Масалан, жорий йилнинг 6 февраль кунини Утгена туманида жойлашган хонадонда 50 кв.м. майдонда ёнғин содир бўлган. Эҳдлик билан етиб келган ёнғин ўчирувчилар ўз хизматларини моҳирона бажардилар. Бунда маҳалладошлар ҳам қараб, томошабин бўлиб турмадилар. Ёнғин ўчирувчилар содир бўлган талафотнинг олдини олишлар ва оловнинг тарқалишига йўл қўймадилар. Сориштирув ишлари шунга қўрсатдики, хонадондан чиққан олов иситиш печидан нотўғри фойдаланиш натижасида экан.

Пойтахтимиз ҳудудидида содир бўлган ёнғинларни таҳлил қилар эканмиз, уларнинг аксарияти сигарета чекиб ҳулаб қолиш, назоратсиз қолган болаларнинг шўхлиғи, газ ва электр ускуналаридадан нотўғри фойдаланиш сабабли келиб чиқмоқда. Айниқса, кунлар совиб кетиши натижасида ҳам қўллаб-қўлланган томонидан газ печини ишлатишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузиб, хонадонларини ва ўзларини хавф остига қўймоқдалар.

Халқимизда огохлик, ҳушёрлик хавфсизликка қафолат, деб бежиз айтилмайди. Эҳтиётсизлик, эътиборсизлик қўнғилсиз воқеаларга сабаб бўлишни юқоридаги мисоллардан қўриш мумкин. Оддий бепарволик ва лоқайдлик сабабли келиб чиқётган ҳар бир ёнғин инсонларнинг ҳаётига, уларнинг яқинларига хавф-хатар солиши ва кўп машаққатлар эвазига бунёд этилган уй-жойни, йиллаб йиғиб тўплаган молу мулкларининг бир зумда ёнғин кетишига олиб келади. Бу каби қўнғилсизликларнинг олдини олиш учун доимо газ ва электр ускуналаридаги қоидаларга риоя қилган ҳолатда ишлатинг. Фарзандларингизни ёлғиз, назоратсиз қолдириманг! Уйингиздан чиқиб кетаётган барча газ, электр ускуналаридаги текширинг ва ўчиришни унутманг! Содири бўлиши мумкин бўлган ёнғин ва бошқа турли хилдаги қўнғилсизликларнинг олдини олиш ўз қўлингизда. Бунинг учун барча ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилинг!

ЯҲЁ МАМАЖОНОВ,
Қамолхўжа ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎЗР ИИБ ЁХОТМ 5-босқич курсантлари

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Аввал Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг 2001 йил 28 февралдаги 228-сон қарорига асосан давлат рўйхатидан ўтказилган “IBN SINO MAHALLA GUZARI” шўъба корхонаси фаолияти муассиси Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг 2017 йил 8 февралдаги 96-сон қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ.

Давволар эълон қол этилган кундан бошлаб 2 ой муддат ичида 241-75-31 телефон рақами бўйича қабул қилинади.

“SIRIUS MAX” МЧЖнинг (ИНН 303010325) думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 2 март кунини ҳаво ўзариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, қорча айлангани мумкин. Фардан секундига 5-10 метр тезликда, қучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда.

да шомол эсади. Қорунда кечаси — 0-2, ҳардузи — 3-5 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 2 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратлади, ифосиланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.uz
Буюртма Г- 335

Душанба, сешанба, chorshanba, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашир кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12959 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашир учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.35

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир Акмал АҚРОМОВ